

Ҳадис дарслари (209-дарс) Мазий нима?

Image not found or type unknown



19:00 / 14.12.2022 2734

مَعْطِي مَمْلُومِ الْعَالِ الْوَبُحْضُنِي وَرَجُلِ الْوَبُ لَسْغِي: لَأَقُوعُ هَلَلِ الْيَضْرِي لَعْنُ
أَعُوْفَرَمُّ يَذْمُرْتَلْ أَوْ أَدَكْهُ دُوَادُ وَبَأْ هَاوْر.

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Қиз боланинг пешоби ювилади. Таом емайдиган ўғил боланинг пешобига (сув) сепилади», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар.

Ҳазрати Али розияллоху анхудан қилинаётган бу ривоятдан оладиган маълумотимиз ўғил боланинг пешобини ювмасдан, сув сепишнинг шарти у бола фақат эмадиган, ўзи таом

емайдиган бўлиши кераклигидир. Чунки ўзи таом ейдиган ўғил боланинг пешоби ҳам ювилмаса бўлмайдиган ҳолатда бўлиб қолади.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْلِ صَبَّيْنِ لَلْأَسَانِ أَيْ حَسَّ أَسَانُكَ وَأَدَمَ الْجُرْتُنُكَ: لَأَقُوهَ وَ
أَضَوْتِ وَهَرَكَ دُلْسُ عِي: لَأَقُوهَ لَأَسَفِ دَوْسِ أَلِ نَبَدَاذِقِ مَلَأْتِ رَمَافِ وَتَنْبَانِ كَمَلِ
سَمَّخِ لَأَوْرِ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Кўп мазийлик одам эдим. Қизларининг истиҳоласи учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашга уялар эдим. Бас, Миқдод ибн Асвадга буюрдим. У у зотдан сўради.

Шунда:

«Закарини ювади ва таҳорат қилади», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

«Мазий» – эркак кишининг жинсий аъзосидан жинсий алоқани ўйлаган ёки хотинини қучоқлаган пайтда чиқадиган оқ суюқлик.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳуда шу ҳолат одатдагидан кўп такрорланиб турар экан. Шунинг учун у киши:

«Кўп мазийлик одам эдим», демоқдалар. Али розияллоҳу анҳу мазий келгандан кейин нима қилишни билмай, қийналар эдилар. Бундай ҳолда мусулмон киши дарҳол Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга савол билан мурожаат қилиши керак. Аммо ҳазрати Али бундай қила олмадилар. Бунинг сабабини у кишининг ўзлари қуйидагича баён қиладилар:

«Қизларининг истиҳоласи учун Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашга уялар эдим».

Яъни, Пайғамбаримизнинг қизлари Фотима онамиз Ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг хотинлари бўлганлиги учун у киши уялиб, мазий ҳақида сўрай олмаганлар.

«Бас, Миқдод ибн Асвадга буюрдим».

Яъни, мазий ҳақида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрашни Миқдод ибн Асвадга буюрдим.

«У у зотдан сўради. Шунда:

«Закарини ювади ва таҳорат қилади», дедилар».

Шу билан масала ҳал бўлди.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Эркак киши жинсий алоқани ўйлаганда ва бошқа ҳаракатлар қилганда жинсий олатидан чиқадиган суюқликнинг «мазий» деб аталиши.
2. Эр-хотинликка оид гапларни қайнатага (шу қатори, қайнана ва бошқа яқинларга) айтишдан уялиш зарурлиги.
3. Ўзи сўрашга уялган фатвони бошқа бировга айтиб сўратиш жоизлиги.
4. Мазийнинг нажас эканлиги. Шунинг учун ҳам ҳадисда мазий чиққандан кейин закарни ювишга амр бўлмоқда.
5. Мазий чиққандан кейин таҳоратнинг кетиши ва бузилиши.
6. Мазий чиққандан кейин ғуслнинг вожиб бўлмаслиги.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди